



Кимки муслмонлар билан тинчлик келишувидаги кофирни ўлдирса, жаннатнинг ҳидини ҳам ҳидламайди. Ваҳоланки, жаннатнинг ҳиди қирқ йиллик масофадан келиб туради». -дедилар

Абдуллоҳ ибн Амр разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кимки муслмонлар билан тинчлик келишувидаги кофирни ўлдирса, жаннатнинг ҳидини ҳам ҳидламайди. Ваҳоланки, жаннатнинг ҳиди қирқ йиллик масофадан келиб туради». -дедилар».

[Саҳиҳ] [Имом Бухорий ривояти]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам муъаҳадни, яъни ислом диёрига омонлик ва аҳд билан кирган кофирни ким ўлдирса, жаннатнинг ҳидини ҳам ҳидламайди ва унинг (жаннат) ҳиди қирқ йиллик масофадан келиб туришини хабар бердилар.

<https://sunnah.global/hadeeth/uz/show/64637>

